

сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ич-сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битим расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қис бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган тов қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингд бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарим тўлайди:

5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товар алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунг тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдор ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома Ҳазначилик рўйхатидан ўтганидан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йи «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 122 моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонл қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) еткази берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисоби капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартли ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базас тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиш олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базас тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

#### **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклд тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.